



Impact on the foreign trade potential of membership of the World Trade Organization of the Republic of Uzbekistan

Ulugbek KIRGIZBAEV¹, Komila KIRGIZBAEVA²

Tashkent State University of Economics

ARTICLE INFO

Article history:

Received March 2023
Received in revised form
15 April 2023
Accepted 25 April 2023
Available online
15 May 2023

Keywords:

foreign trade,
World Trade Organization,
GATT,
export,
import,
inflation.

ABSTRACT

This article describes the history of the World Trade Organization and the procedure for becoming a member of the organization. The member countries' foreign trade and several macroeconomic indicators are analyzed. Prospects of our country's membership in the World Trade Organization, as well as positive and negative consequences, are analyzed. Conclusions and suggestions are given.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss3/S-pp135-140>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўзбекистон Республикасини Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишининг ташқи савдо салоҳиятига таъсири

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Жаҳон савдо ташкилотининг пайдо бўлиш тарихи, ташкилотга аъзо бўлиш тартиби. Аъзо мамлакатларнинг ташқи савдоси ва бир қатор макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш истиқболлари, шунингдек ижобий ва салбий оқибатлари таҳлил қилинган. Хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар:

ташқи савдо,
Жаҳон савдо ташкилоти,
GATT,
экспорт,
импорт,
инфляция.

¹ Master degree student, Tashkent State University of Economics. E-mail: 9506000@mail.ru

² Master degree student, Tashkent State University of Economics. E-mail: Komila.kir@gmail.com

Членства Республики Узбекистан во Всемирной торговой организации, влияние на внешнеторговый потенциал

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

внешняя торговля,
Всемирная торговая
организация,
ГАТТ,
экспорт,
импорт,
инфляция

В данной статье описывается история Всемирной торговой организации, и процедура вступления в члены организации. Проанализированы внешняя торговля стран-участниц и ряд макроэкономических показателей. Анализируются перспективы членства нашей страны во Всемирной торговой организации, а также положительные и отрицательные последствия. Даны выводы и предложения.

Жаҳон ҳўжалиги ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу халқаро иқтисодий муносабатларнинг интенсив ривожланиб бориши ҳисобланади. Бу эса мамлакатлар, мамлакатлар гуруҳи, алоҳида фирма ва корхоналар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши тобора чуқурлашуви билан изоҳланади. Ушбу ҳолат жаҳон бозорида, шунингдек, унинг турли сегментларида юзага келаётган конъюнктуравий ўзгаришлар ҳар қандай давлатни жаҳон бозорида фаоллашишга, бунда ташқи савдони тартибга солиш, назорат қилиш ва қўллаб-қувватлаш воситалари ҳамда дастакларидан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ унумли фойдаланишга ундамоқда.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётини янада ривожлантириш ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустақамлаш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунда ташқи алоқалар, айниқса ташқи савдо алоқаларининг аҳамияти беқиёсдир. Шунинг учун ҳукуматимиз томонидан мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Мамлакатимиз ўзининг экспорт салоҳиятини янада оширишни Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда кўрмоқда.

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) глобализация ва халқаро интеграциянинг кучайиши оқибатида, мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатларини тартибга солиш, халқаро савдони ошириш ва мамлакатлар ўртасида савдо низолари юзага келса, уларни бартараф этиш мақсадида тузилган. ЖСТнинг ташкил этилиши ярим асрдан кўпроқ тарихга эга. Иккинчи Жаҳон уришидан сўнг, мамлакатлар иқтисодиётини жонлаштириш мақсадида, 1947 йилда 23 та мамлакат томонидан Женева шаҳрида Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишув (ГАТТ) тузилган бўлиб, 1948 йилда амалиётга татбиқ этилган. ГАТТни ривожлантириш ва маҳсулотлар учун ўзаро тарифларни пастлатиш мақсадида Уругвай раунди (1986-1994) жорий этилган. ЖСТ 1995 йил 1 январда тузилган ва шу йилнинг ўзида 125 та мамлакат аъзо бўлган. Ҳозирги кунда ЖСТга 164 та мамлакат аъзо. Халқаро савдонинг 98–99% улуши Жаҳон савдо ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади [1].

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш бўйича дастлабки ҳаракатларни 1994 йилнинг декабрида бошлаган эди. Бироқ турли сабабларга кўра, ташкилотга аъзо бўлиш мақсадида қилинаётган саъй-ҳаракатлар кейинроққа суриб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев


2017 йилнинг декабрь ойида республикамизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши жараёни қайта тикланганлигини расман эълон қилди ва 2018 йилнинг бошида ЖСТ Котибиятига тегишли мурожаатнома юборилди. Унда ЖСТга аъзо бўлиш жараёни доирасида Ташқи савдо режими тўғрисидаги янгиланган меморандум ва Ўзбекистон Республикасининг мамлакат ташқи савдо режимининг турли жиҳатларига доир 23 та ҳужжат жамланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 4 февраль куни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари сифатини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Шу йиғилиш жараёнида ҳам Жаҳон савдо ташкилоти стандартларига экспорт товарларимизнинг жавоб бермаслиги ҳамда импорт товарларнинг кириб келиш пайти уларни текширувдан ўтказиш қийинчилик туғдираётгани ҳақида гапирилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини синаш бўйича Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига мос 775 та стандарт бўлса, мамлакатимизда уларнинг 100 таси жорий қилингани, 100 дан ортиқ лабораториядан атиги 10 таси халқаро даражада аккредитациядан ўтгани танқид қилинди. Бу корхоналаримиз маҳсулотларини экспорт қилиш имконияларини қийинлаштириши ҳақида ҳам қайд этилди. Шу билан бирга уларга тегишли чора-тадбирлар кўрилиши ва йўл хариталари белгилаб берилиши бўйича кўрсатмалар берилди. Юқоридаги стандартларни жорий қилиниши ҳам биз учун Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш босқичларимизни бир мунча енгиллаштиради.

ЖСТ аъзоларидан келиб чиқиш қоидалари шаффоф бўлишини, халқаро савдога чекловчи ёки бузувчи таъсир кўрсатмаслиги, улар изчил, ягона, холис ва оқилона бошқарилиши ва ижобий стандартга асосланганлиги таъминлашни талаб қилади [2].

Жаҳон савдо ташкилоти мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо алоқалари олиб бориладиган ва бу борадаги низоларни ҳал этиш имкониятини берувчи глобал майдон ҳисобланади. Бугунги кунда дунёнинг 164 та давлати унга аъзо. БМТ мамлакатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни, Жаҳон савдо ташкилоти (кейинги ўринларда ЖСТ) эса улар ўртасидаги савдо муносабатларини тартибга солади.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш, аъзо мамлакатларга иқтисодий манфаат келтиради. Ташкилотга аъзо бўлишнинг ижобий жиҳатлари қуйидагилар: иқтисодий манфаат энг аввало ўзаро маҳсулот айрибошлаш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашга шароит яратади; мамлакатдаги ижтимоий ва сиёсий вазиятга иқтисодий низолар тинч йўл билан ҳал этилиши эвазига ижобий таъсир қилади; аҳоли турмуш даражасини яхшиланишига туртки беради, инсонларга сифатли маҳсулот истеъмол қилиш имконини яратади; либерал савдо мамлакат ва алоҳида ватандошларнинг даромадларини оширади; меҳнат бандлиги соҳасида ижобий таъсир қилади; савдо соҳасидаги ортиқча харажатни камайтиради; истеъмолчилар учун танлаш имкони бериб, экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳисобига миллий маҳсулотлар таннархини туширишга хизмат қилади.



1.1-расм. ГАТТ/ЖСТнинг мақсади ва вазифалари [3]

Мамлакатларнинг иқтисодиётида Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлганлигининг таъсирини ўрганиш мақсадида уларнинг ташкилотга аъзо бўлишдан аввалги ва кейинги макроиқтисодий ўзгаришлари таҳлил қилинганда, Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлган 15 та мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини аъзоликдан аввалги ва кейинги вақтлардаги ўртача қийматлари кўриб чиқилган. Бу 15 та мамлакатни таҳлил қилиш учун 7 та макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилган бўлиб, улар қуйидагилар:

- экспортнинг ўсиши;
- импортнинг ўсиши;
- ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши;
- аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши;
- инфляция даражаси;
- ишсизлик даражаси;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни (ТТХИ) ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши [4].

Таҳлил натижасига кўра, олинган кўрсаткичлар асосида деярли ижобий натижага эришган мамлакатлар сифатида Бангладеш, Камерун, Гондурас ва Туркия кўрсатилди. Камерунда пасайиш фақатгина импортда (14,76 дан 8,06 га) пасайиш юз берган, қолган 3 та мамлакатда ишсизлик даражаси, яъни Бангладеш (2,35 дан 3,48 га), Гондурас (3,45 дан 4,36 га), Туркия (8,38 дан 8,53 га) ошганини кўришимиз мумкин. Энг кўп салбий натижа кўрсатган мамлакатлар қаторига Қозоғистон ва Вануату киритилди. Сабаби, Қозоғистон мамлакатада фақатгина

экспортда (0,26 дан 0,97 га) ва ишсизлик даражасида (5,17 дан 4,88 га) ижобий ўзгаришлар содир бўлган. Вануатуда эса импорт (0 дан 3,82 га) ва инфляция даражасидагина (2,82 дан 2,38 га) ўзгаришлар салбий ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Таҳлилда Қозоғистон, Туркия ва Грузия мамлакатларининг ЖСТга аъзо бўлишининг мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсири кўриб чиқилган бўлиб, ундан кўринадикки Қозоғистон ташкилотга 2015 йилда аъзо бўлган бўлса, инфляция 2013–2015 йилларда ўртача 6,41 % бўлган бўлса, 2016–2018 йилларда 9,34%гача кўтарилган, 2019–2021 йилларда эса, 6,66%га пасайган. Ишсизлик даражаси эса, 2013–2015 йилларда 5,06 %дан ташкилотга аъзоликдан сўнг пасая бошлаган, яъни 2016–2018 йилларда 4,9%га, 2019–2021 йилларда 4,86%гача пасайиши кузатилган. Бундан кўринадикки, мамлакат ташкилотга аъзо бўлганидан кейин иқтисодиётдаги ижобий таъсирлар тезликда билинмайди, унинг таъсирини кўриш учун албатта йиллар керак бўлади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга аъзо бўлишининг мамлакатимиз иқтисодиёти учун албатта салбий ва ижобий таъсири кузатилади.

Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлганида иқтисодиётимизда қуйидаги ижобий ўзгаришлар юзага келиши мумкин [5]:

1. Божлар минималлашиши оқибатида истеъмолчиларнинг арзон нархларда товарлар сотиб олиш имкони пайдо бўлади.

2. Четдан арзон хомашё кириши натижасида ишлаб чиқариш ривожланади ва бу экспортнинг ошишига, экспортнинг ошиши эса, иқтисодий ўсиш имкониятини беради.

3. Техника ва технология импорти ошади, натижада эса бозор тўйинади. Бозорнинг тўйиниши натижасида ишлаб чиқариш ортиб, ишсизлик даражаси камади.

4. Ташкилотга аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан қулай божхона режими доирасида савдо алоқаларини амалга ошириш имконияти яратилади.

5. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) ортиши учун ташкилотга аъзолик мамлакатимизга “гаров муҳри” вазифасини ўтайди.

6. Мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий ислохотлар тезлаша боради.

7. Иқтисодиётнинг диверсификациялашув жараёни янада тезлашади.

8. Ташқи савдода тариф ва нотариф тўсиқларнинг бекор қилиниши сабаб экспортёрларимиз ривожланган давлатлар бозорига ўз маҳсулотларини киритиш имкониятига эга бўлади.

9. Ташқи савдо айланмасининг ортиши натижасида давлатнинг фискал даражаси ошади. Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлганида иқтисодиётимизда қуйидаги салбий ўзгаришлар юзага келиши мумкин:

1. Мамлакатимизнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи тадбиркорлар четдан импорт қилинаётган арзон товарлар сабабли рақобатбардошлиги сусайиб боради ва оқибатда кўплаб корхоналар ўз фаолиятини тўхтатади ва оқибатда ишсизлик даражаси ортишига сабаб бўлади.

2. Импорт маҳсулотлари ортиши натижасида ишлаб чиқариш камайиб, мамлакатнинг хориж фуқаросига “ойлик тўлаши” даражаси ортади ва бу тўлов балансида салбий таъсир кўрсатади.

3. Қўшилган қийматли технологик товарлар ишлаб чиқариш яхши ривожланмаганлиги сабабли мамлакат хомашё экспорт қилувчи аграр-саноатлашган мамлакат даражасида қолиб кетади.

4. Товар ва хизматлар диверсификация қилинмаганлиги сабабли мамлакат фақатгина истеъмолчи вазифасини ўтай бошлаши мумкин.

5. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун давлат субсидия ва компенсация бериш йўлини танлаши оқибатида бюджет харажатлари ортишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Н.С.Исмаилова, У.А.Дадабаев, А.Х.Ахмаджонов, Х.К.Файзиева, З.Х.Ахмадалиева. Жаҳон савдо ташкилоти ва кўп томонлама савдо тизими. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2022 й. – 5-бет.

2. The Rules of Origin Agreement 1994, Apr. 15, 1994, Marrakesh Agreement Establishing the World Trade Organization, Annex 1A, 1867 U.N.T.S. 187, 33 I.L.M. 1153 (1994)

3. Ваҳабов А.В. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: дарслик /А.В. Ваҳабов, Д.А. Таджибаева, Ш.Х. Хажикакиев. — Тошкент: Бактрия пресс, 2015. — 286-бет

4. Қаралсин: И.Қосимов. ЖСТга аъзо бўлишнинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсири қандай? <https://www.spot.uz/oz/2023/04/13/world-trade-organization/>

5. Қаралсин: И.Қосимов. ЖСТга аъзо бўлишнинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсири қандай? <https://www.spot.uz/oz/2023/04/13/world-trade-organization/>